2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ

Ижтимоий-сиёсий газета

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

№ 44 (44), 2020 йил 25 март, чоршанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ УЧИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2020 йил 24 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирок этди.

Видеоконференцалоқа шаклида бўлиб ўтган ялпи мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлисда Сенат аъзолари томонидан қатор қонун ҳужжатлари муҳокама этилди.

Сенаторлар "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқди.

Қонунда карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатганлик, шунингдек, уларни нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган матнда ёки оммавий ахборот воситалари ва интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи орқали тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда.

Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш, шу жумладан, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида Давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ва даволанишдан ўтиш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойни белгиланган муддат давомида тарк этмаслик, касаллик юқиши мумкин бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва улар борган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик одамларнинг оммавий касалланиши ёки заҳарланишининг реал хавфини келтириб чиқарган бўлса ёхуд одамларнинг оммавий касалланишига ёки заҳарланишига олиб келган бўлса, жиноий жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида санитария ва эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузишга оид ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан тегишли тиббий асослар мавжуд бўлган тақдирда давлат санитария назорати органлари томонидан карантинда сақлаш ёки даволаниш тарзидаги тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари қўлланилиши мумкин.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари 30 суткагача бўлган муддатда маъмурий жазо тайинлаш билан бирга қўлланилади ҳамда давлат санитария назорати органлари томонидан белгиланган жойларда ўталиши таъминланади.

Тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг ижроси давлат санитария назорати, ички ишлар ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари томонидан таъминланади.

Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида жамоат жойларида ниқобсиз юриш, шу жумладан, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши шароитида шифохонадаги ички тартибга риоя этмаслик ҳамда Давлат санитария назорати органларининг тиббий текширувдан ва даволанишдан ўтиш, карантинни ўташ учун белгиланган жойларга етиб бориш ва ушбу жойни белгиланган муддат давомида тарк этмаслик, касаллик юқиши мумкин бўлган даврда мулоқотда бўлган шахслар ва улар борган жойлар ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш тўғрисидаги ёки бошқа қонуний талабларини узрли сабабларсиз бажармаслик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда.

Шу билан бирга, карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилмоқда.

Сўнгра Сенат аъзолари "Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини муҳокама қилди.

Ушбу Қонун билан "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги, "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунларга ва Жиноят-процессуал кодексга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Жумладан, Миллий гвардияга қуйидаги ваколатларни юклаш назарда тутилмоқда: тезкор-қидирув тадбирларининг қуйидагилардан иборат янги турларини жорий этиш, тезкор-қидирув ишлари рўйхатини ва бундай ишларни тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ҳужжатлари билан юритиш тартибини белгилаш, тезкор-қидирув фаолияти соҳасида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг, шунингдек, чет эл давлатларининг ваколатли органлари ва турдош халқаро ташкилотлар ходимларининг жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳамкорликдаги тадбирларда иштироки масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Тезкор-қидирув тадбирларининг янги турлари жорий этилмоқда:

— техник воситаларни (компьютерларни ва алоқа қурилмаларини) текшириш;

— телекоммуникация қурилмалари орқали амалга ошириладиган сўзлашувлар, узатиладиган хабарлар ва маълумотларни назорат қилиш;

— абонентлар ёки абонент қурилмалари ўртасида боғланиш тўғрисидаги маълумотларни олиш.

Ушбу тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш махсус ваколатли давлат органига юкланади.

Прокурорнинг розилиги билан адвокатнинг телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали амалга ошириладиган сўзлашувлари, узатиладиган хабарлари ва маълумотлари назорат қилинади.

Ушбу тезкор-қидирув тадбирларининг процессуал тартиби Жиноят-процессуал кодексда очиб берилмоқда.

Сўнгра сенаторлар "Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқди.

Қонун ижтимоий ҳаётда ва халқаро майдонда ўзбек тилининг нуфузини оширишга, ёшларни ватанпарварлик, миллий анъаналар ва қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашга қаратилган.

Қонун билан 21 октябрни Ўзбек тили байрами куни этиб белгилаш назарда тутилмоқда.

Шундан кейин Сенат аъзолари "III ва IV даражали "Соғлом авлод учун" орденини таъсис этиш тўғрисида"ги ҳамда "Соғлом авлод учун" медалини таъсис этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқдилар.

Ушбу қонунларда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва оммалаштириш, жисмонан соғлом ҳамда баркамол авлодни шакллантиришдаги алоҳида хизматлари учун фуқароларни мукофотлаш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мазкур қонунларда "Давлат мукофотлари тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартишлар киритиш назарда тутилмоқда.

Шундан сўнг сенаторлар Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа туманини ташкил этиш ҳамда Ҳазорасп тумани чегарасини ўзгартириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Хоразм вилояти таркибида Тупроққалъа тумани ташкил этилиши ушбу туманнинг маъмурий маркази сифатида Питнак шаҳрини янада ривожлантиришга кўмаклашади. Ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Ялпи мажлисда Олий Мажлис Сенати Кенгаши қарорларини тасдиқлаш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенатнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Парламент юқори палатасининг учинчи ялпи мажлисда 7 та масала кўриб чиқилди, шу жумладан, 5 та қонун маъқулланди. Сенаторлар томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикаси қонунлари жамиятда ҳуқуқий тартиботни ва барқарорликни таъминлаш, ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш ва мамлакатда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самарадорлигини оширишга қаратилган.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати

Қарор ва ижро

ГИДРОСТАНЦИЯ ЯНГИ ҚУВВАТ БИЛАН ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ



Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Ўзбекистон — гидроэнергетика ресурсларига бой мамлакат. Лекин бугунги кунда мазкур жабҳадаги салоҳиятимизнинг атиги 25 фоизга етар-етмас қисмидангина фойдаланиляпти. Бундан уч йил олдин ташкил этилган "Ўзбекгидроэнерго" акциядорлик жамияти таркибида 37 та ГЭС бўлса, улардан 25 таси бундан қирқ-саксон йил муқаддам ишга туширилган. Бу иншоотлар ўзининг техник ресурсларини деярли ўтаб бўлган, асбоб-ускуналар ва агрегатлар модернизациялашга муҳтож. Шу боис, уларни босқичма-босқич тубдан таъмирлаш ва замонавийлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 майдаги қарори билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари Дастури экологик тоза электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни яратиш, мавжуд ГЭСларни эса технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишларини жадаллаштириб юборди. Мазкур ҳужжат ижроси доирасида бошқа турдош иншоотлар қатори Қуйи Бўзсув ГЭС каскади фаолиятида ҳам янги давр бошланди.

Давоми 5-бетда

Бугуннинг гапи

БИРЛАШГАН ЭЛ ОЛДИДА ҲАР ҚАНДАЙ ХАВФ-ХАТАР ОЖИЗ

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири, сенатор

Бу дунё дунё бўлибдики, не-не синов ва машаққатларни бошидан ўтказмаган, дейсиз. Афсуски, биз яшаётган XXI аср ҳам бундан мустасно эмас. Ер юзидаги турли халқлар, элу элатлар ўртасидаги масофани янада яқин қилган, улар учун иқтисодий-ижтимоий муносабатлар, савдо-сотиқ, мулоқот, билим ва тажриба, ахборот алмашиш бобида янги-янги имкониятлар очиб берган глобаллашув ҳодисаси, буни қарангки, уларнинг ташвиш ва муаммоларини ҳам бир ва муштарак қилиб қўйди.

Бунинг тасдиғини 2019 йил декабрь ойида Хитойнинг Хубэй провинциясида бошланган коронавирус инфекциясининг уч ойнинг нари-берисида 180 га яқин давлатга тарқалиб улгургани мисолида барчамиз кўриб турибмиз. Тасаввур қилингки, бундан юз-юз эллик йил олдин бундай воқеани биров билиб, биров билмаган, билса-да, "Э, олти ойлик йўл экан, бизга етиб келгунича чўлу биёбонларда йўқ бўлиб кетади", деб қўл силтаб қўйган бўларди.

Бугун эса манзара, реал вазият тамоман бошқача. Дунёнинг қайси бир чеккасида бўлмасин, муаммо илдиз отса, "эй, менга нима", деган қараш билан яшаб бўлмайди. Ўзини замон ва маконнинг ажралмас бир қисми деб билиб, у билан ҳамқадам бормаган давлат ва жамият тараққиётдан четга чиқиб қолади. Тараққиётнинг йўли эса ҳеч қачон осон ва бир текис кечмайди.

Аллақачон глобал дунёнинг узвий бир қисмига айланиб улгурган Ўзбекистонимиз Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида жаҳон аҳли биринчи бор дуч келаётган бундай жиддий хавф-хатарга қарши олдиндан зарур чора-тадбирларни кўрди. Юртимизда коронавирус инфекциясига чалинган дастлабки бемор аниқланиши билан бу борадаги ишлар кескин кучайтирилди. Ҳозир барчамиз Интернет тармоқлари, телерадиоканаллар, матбуот саҳифалари орқали бу касаллик дунё миқёсида қандай оқибатларга олиб келаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Давоми 2-бетда

ФОТОРЕЙД



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Юртимизда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар жорий этилди.

2020 йил 24 март соат 00.01 дан бошлаб коронавирус инфекцияси, асосан, Тошкент шаҳри ҳудудида аниқланганини инобатга олиб, ушбу инфекция республиканинг бошқа ҳудудларига тарқалишининг олдини олиш мақсадида бошқа ҳудудлардан Тошкент шаҳрига кириш (автобус, микроавтобус, енгил автотранспорт, авиақатновлар ва темир йўл транспорти воситалари орқали) тўхтатилди.

Тошкент шаҳрига кирувчи ва чиқувчи шахсларда коронавирус инфекцияси аломатларини аниқлаш бўйича мажбурий тиббий назорат ўтказиляпти. Республика ҳудудига хорижий давлатлардан, шунингдек, Тошкент шаҳрига бошқа ҳудудлардан кириб келаётган барча транспорт воситалари, товар ва юкларнинг мажбурий равишда дезинфекция қилиниши таъминланяпти.

Ҳолат

ЭПИДЕМИОЛОГИК вазият қатъий назоратда

☑ Бугунги кунгача коронавирус пандемияси дунёнинг 176 давлатини қамраб олган, 400 мингдан кўпроқ аҳоли бу инфекция билан касалланган.

☑ Мамлакатимизда бу касалликка қарши курашиш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти. Касаллик юқишида мулоқот йўли асосий омил бўлиши инобатга олиниб, айни кунларда барча чора-тадбирлар, аввало, аҳоли орасида ўзаро мулоқотни чеклашга қаратилган.

☑ Санитария-эпидемиологик осойишталик марказлари янги турдаги комбинезонлар билан таъминланган. Республика миқёсида комбинезонларнинг етарлича захираси яратилган. Шу билан бирга, жойлардаги тиббиёт муассасаларида аввалдан бор бўлган кийимлар ҳам мавжуд. Улардан заруратга қараб фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир вилоятга мингга яқин комбинезон, кўзойнак, махсус ниқоблар етказиб берилди.

☑ Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилояти, Наманган, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларидаги соғломлаштириш масканларига хориждан келган фуқароларимиз жойлаштирилган. Улар 14 кунлик карантинда сақланмоқда. Уларга хизмат кўрсатиш, уларни вақтинчалик сақлаш ишларига жалб қилинган барча ходимлар шахсий ҳимоя воситалари билан тўла таъминланган.

☑ Ўзбекистонда коронавирусга чалинган фуқаролар соғлиғида ижобий ўзгаришлар бор. Ушбу касалликка чалинган беш нафар беморда касаллик белгилари йўқолган, ўзларини яхши ҳис этмоқда. Улар яна 14 кун тиббий кузатувда сақланиб, кейин уйларига жавоб берилади.

☑ Спиртли воситалар, спиртли геллар, спиртнинг ўзи ҳам коронавирусни ўлдиради. Ҳозир дезинфекцияловчи турли воситалар ишлаб чиқарилмоқда, уларнинг аксарияти таркибида спирт мавжуд. Спиртнинг вирусларни ўлдириш хусусияти бор. Коронавируснинг водопровод сувидан юқиш ҳолатлари ҳали аниқланмаган.

☑ Ўзини ва бу орқали бошқаларни ҳам касалликдан асраш, қўлни тез-тез ювиш ва зарарлантирувчи воситалар орқали буюмлар, кийим-кечаклар ва идиш-товоқларни тозалаб туриш, бемордан масофа сақлаш ва шахсий гигиенага амал қилиш — шахсий карантин дегани.

☑ Ҳозирда чет давлатларда бўлиб қайтган 25 мингга яқин одам уй шароитида карантинга олинган. Уларнинг саломатлиги устидан тиббий кузатув олиб борилмоқда.

☑ Касалланган беморлар ичида чет элда бўлиб қайтмаган, чет элда бўлиб қайтган шахслар билан мулоқотда бўлмасдан вирусни юқтириб олиш ҳолати аниқланди. 20 ёшли бу қиз хорижга чиқмаган, беморлар билан мулоқотда бўлмаган. Бироқ у билиб-билмаган тарзда жамоат транспортида, иш жараёнида касалликни юқтириб олган бўлиши мумкин. Беморнинг оиласидагилар ҳам текширувдан ўтказилди, улар соғлом. Бу ҳолат ҳаммамизни ҳушёрликка чақиради.

☑ Касаллик қайд этилган давлатларда ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 10 ёшгача бўлган болаларда касаллик жуда енгил ўтади, тез тузалади. Жами касалланганларнинг атиги 0,9 фоизи 10 ёшгача бўлган болалар экани қайд этилган ва уларда қисқа вақт ичида соғайиш кузатилган. Демак, бу болалар иммунитетининг юқорилиги билан баҳоланади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги.

Энг муҳими, ҳозирги мураккаб шароитда давлат оғирликни ўз зиммасига олиб, тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, иқтисодий тармоқларни инқироздан сақлаб қолиш чора-тадбирларини кўрди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 25 март, 44-сон

БИРЛАШГАН ЭЛ ОЛДИДА ҲАР ҚАНДАЙ ХАВФ-ХАТАР ОЖИЗ

Бошланиши 1-бетда



Давлатимиз раҳбарининг халқимизга ушбу масала юзасидан қилган мурожаатида юртимизда эпидемиологик вазият қатъий назорат остида экани, аҳолининг кундалик моддий таъминоти учун барча захиралар етарлилиги, беҳуда ваҳима ва шов-шувларга мутлақо ҳожат йўқлиги алоҳида таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, кўлга келган синов бўлган бугунги эпидемиологик вазият барчамиздан мавжуд ҳолат талабларига мос ҳолда ҳаракат қилишимизни талаб этмоқда. **"Сабрнинг таги — сариқ олтин"**, дейди халқимиз. Озгина сабр қилсак, ақл-идрок, ҳаётий тажриба асосида иш юритиб, ён-атрофимизга доимо ҳушёр назар билан қараб, шахсий гигиена қоидаларига, шифокорлар томонидан берилаётган тавсияларга қатъий амал қилсак, оила аъзоларимиз, фарзандларимизни ҳам шунга ўргатсак, бу кунлар, албатта, ўтиб кетади. Шунда тарихнинг яна бир синовидан муносиб ўтган бўламиз.

Биз олис-яқин тарихимизда қанча-қанча синовлардан ёруғ юз билан ўтган халқмиз. Даврларнинг ақл бовар қилмас талотўпларидан, тўфон ва суронлари олдида метин қоядек мағрур турган халқимизнинг жасорати ва матонатига қанча китоблар, қасида ва достонлар битилганини барчамиз яхши биламиз.

Президентимиз яқинда Хоразм вилоятига ташриф буюрганида Урганч шаҳри марказида барпо этиладиган Жалолиддин Мангубердининг муаззам ҳайкали ва у ердаги майдон лойиҳасини бориб кўриб, зарур тавсияларни бергани бежиз эмас, албатта.

Ёки Тошкент шаҳрида барпо этилаётган Ғалаба боғи марказида жасур ўзбек онаси Зулфия Зокирова, унинг ўғиллари ва келинлари хотирасига ўрнатилаётган "Матонат мадҳияси" мажмуасини олинг.

Бундай улуғвор ёдгорликлар халқимиз ўз тарихида қандай машаққатли синовлардан ўтгани, нақадар буюк ишларга қодир эканини бизга ҳар лаҳзада яққол эслатиб туради. Биз уларга қараб чексиз куч-ғайрат, жасорат ва сабоқ оламиз, томиримизда қандай улуғ зотларнинг қони оқаётганини, эл-юртимиз ҳеч қандай хавф-хатар олдида асло бош эгмаганини, Президентимиз айтганидек, сув келса симириб, тош келса кемириб бўлса ҳам олдинга, фақат олдинга интилиб яшаганини юрак-юракдан ҳис этамиз.

Худди тарихимизнинг энг қийин даврларида бўлганидек, шу кунларда одамлар ўртасида ўзаро меҳр ва эътибор, ёрдамга муҳтожлар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилиш каби фазилатлар кучайганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бугунги синов барчамизни бирлаштирмоқда. Ҳаммамиз битта кемадалигимизни, бир юрт фарзандлари эканимизни, бугунги кунимиз ҳам, эртанги ҳаётимиз ҳам бир-биримизга боғлиқлигини ҳар қачонгидан ҳам чуқур ҳис этмоқдамиз.

Афсуски, гуруч кўрмаксиз бўлмаганидек, шундай ғоят масъулиятли, давлат ва миллат тақдири, халқимиз саломатлиги, фарзандларимиз келажагини хавф остига қўяётган юқумли инфекция пайтида ҳам сабоб ишлар қилиш ўрнига тирноқ остидан кир қидираётган, бўлар-бўлмас ваҳима гаплар тарқатаётган каслар-да орамизда йўқ эмас. Бундай паллада ёлғон ва ваҳима гап тарқатиш миллатга, Ватанга хиёнатдир, умид ва ишончнинг илдизига болта уришдир.

Қадимий китобларимизда ёзилганидек, ваҳиманинг ўзи — ярим касаллик, сабр, ўзига ишонч — ярим шифо. Бундай даврларда ижтимоий тармоқларни ваҳима, бўҳтон манбаига айлантиришга уринаётганлар бунинг ўрнига миллатнинг дардига дармон бўлиш ҳақида ўйласа, уларнинг ўзларига ҳам, халқимизга ҳам яхши бўларди.

Инсон бир сўзни айтишдан, бир ишга қўл уришдан олдин унинг қалбида ишонч юз очиши керак. Ишонч аввало, ўзига, имон, эътиқодига нисбатан бўлиши керак. Имони суст одам ҳар лаҳзада иккиланиб туради.

Президентимиз ёши улуғлардан, ҳар бир ота-онадан, ҳар қайси раҳбардан бу мушкулотни даф қилишда шахсий намуна, ибрат кўрсатиши кераклигини неча бор таъкидлаётгани ишончимизга ишонч қўшмоқда.

"Менинг оиламда, жамоамда, менинг ҳудудимда бу касаллик йўқ", деган кўр-кўрона ўй-хаёлдан йироқ бўлишимиз зарур. Аксинча, ҳар бир бемор инсон менинг қондошим, ватандошим, деб куюнишимиз, тилсиз ва кўринмас ёв олдида доимо сергак бўлишимиз шарт.

Оилаларимизда фарзандларимизга ўқиб берилган китоб ёки уларнинг китоб ўқишини кузатиш, назорат қилиш, улар билан ҳаёт, умр мазмуни ҳақида, буюк аждодларимиз ҳаёти, жасорати ҳақида самимий суҳбатлар ўтказсак, болаларимиз қалбида эзгулик чироғини ёққан, уларни ҳаёт синовларига тайёр қилиб тарбиялаган бўламиз.

Асрлар оша халқимиз дилида, тилида яшаб келаётган шундай бир ҳикмат бор: ўғлини ўқитган одам бир инсонни, қизини ўқитган эса миллатни ўқитган бўлади. Чунки аёл, она ўқимишли бўлса, бутун хонадон аҳлини, айниқса, фарзандларини ўқишга, китобга бўлган муҳаббатини оширади. Бу ҳақиқатни шу кунларда ўтказадиган оилавий китобхонлик жараёнларида алоҳида эътиборга олсак, асло кам бўлмаймиз.

Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасида маҳаллий кенгашлар депутатларининг фаоллигини ошириш, ўз сайловчилари ва халқ олдида уларнинг масъулият билан иш юритиши борасида муҳим таклифларни билдирди ва уларни амалга ошириш бўйича амалий талабларни қўйди. Агар Тошкент вилоятида 626 та туман-шаҳар ва 60 та вилоят кенгаши — жами 826 та депутат борлигини инобатга олсак, бу жуда катта куч.

Бугунги синов дамларида ҳар бир депутат ўз ҳудудида карантин талабларига риоя қилишда масъулиятни зиммасига олса, шифокорлар, оқсоқолларнинг ёнида туриб, уларга кўмакчи бўлса, фаол тарғибот-ташвиқот билан шуғулланса, албатта, ижобий натижага эришамиз.

Баъзида кўзга ташланаётган очкўзлик, молпарастлик, шуҳратпарастлик каби иллатлар жамиятимиз учун бутунлай ёт бўлиши керак. Кеча арзон сотиб турган нарсасини бугун қиммат пуллаётган, халқ бошига тушган ташвишдан ҳам фойда олиш ҳаракатига тушиб қолганлар Худодан қўрқсин, бандадан уялсин. "Қорин қайғуси қозонгача, қадр қайғуси қабргача" деган ҳикматли сўзга амал қилишимиз жоиз. Инсоннинг қадри унинг сабр-матонатида, фидойилигида, ўз нафси устидан ғалабасида билинади.

Шуни унутмайлик, бу синовли кунлар тезда ўтиб кетади, дарду ташвишларимиз унут бўлади. Аммо ёмон ишлар, қора қилмишлар унутилмайди. Доимо халқ билан бирга бўлиб, унинг дардларига малҳам бўлиш инсон зиммасидаги муқаддас бурчдир!

МЕҲР-ОҚИБАТЛИ ВА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИШ КОРОНАВИРУСГА ҚАРШИ ЭНГ ЯХШИ ДАВО

Сафар ОСТОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Бугун коронавирус деган бало дунёдаги барча йиғинлар ва суҳбатларнинг бош мавзусига айланди. Ҳатто давлат раҳбарларининг нутқлари ҳам асосан, шу масалага бағишланмоқда. Оммавий ахборот воситаларию интернет тармоқларида бу вирус атрофида айтилмаган гап қолмаяпти.

Тўғри, ҳозир бирор мамлакат дунёдан узилиб, якка ўзи яшай олмайди. Тезкор глобаллашув жараёнида бунинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Лекин айрим ахборотлар ваҳимаси ҳатто коронавирусдан ҳам ўтиб кетмоқда...

Кўпчиликка яхши маълум, яқин ўтмишда чўчқа гриппи, парранда гриппи каби касалликлар ҳам дунёга кўп ташвиш келтирганди. Лекин ҳеч қачон бирорта вирусга қарши ҳозирдагидек кенг қамровли чора-тадбир кўрилмаган. Демак, коронавирус деган бало анча хавфли ва унга қарши ҳушёр бўлиб, дадил кураш олиб бориш талаб этилади. Бу кураш, аввало, юксак ақл-заковатни, катта маблағни талаб этади. Агар ушбу имкониятлар бўлмаса, унча-мунча давлат йўлини йўқотиб, муаммолар ичида қолиши аниқ.

Ҳозир дунёда коронавирус билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларни кузата туриб шундай хулосага келасан киши: ҳар қандай давлатнинг имкониятлари, куч-қудрати халқининг иродаси, салоҳияти, руҳан бирлиги фавқулодда вазиятлар рўй берганда кўпроқ намоён бўларкан. Кимнинг кимлиги, нимага қодирлиги ана шундай пайтда билинаркан.

Давлат бошқаруви ишончли, мустаҳкам бўлса, ҳар қандай муаммога ечим топилади. Давлатнинг амалий ишларига қараб халқ ҳам ўзини қўлга олади, саросимага тушмайди, қайтага дадиллашади, бу муаммо вақтинча эканига ишончи ошади. Бунга Ўзбекистондаги бугунги сиёсат мисолида ўзимиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Президентимиз халқимизни ваҳимага тушмасликка, дори-дармон ҳам, озиқ-овқат маҳсулотлари захираси ҳам етарли экани, нимадир етишмай қолади, деган ваҳимага ўрин йўқлигини қайта-қайта тушунтирди. Бу вирус тарқалиб кетмаслиги олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил ахборот берди.

Шундай бўлса-да, одамларни бири-биридан муҳим қатор саволлар ўйлантираётган эди. Чунки мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, олий ўқув юртлари, корхоналар фаолияти вақтинча тўхтатилиши, дунё бўйича одамлар ҳаракатланиши чекланиши, туризм, савдо-сотиқ, экспорт ва импорт соҳасидаги мажбурий тақиқлар, ўз навбатида, кўпдан-кўп янги муаммоларга, хусусан, иқтисодиёт соҳасида инқирозларга сабаб бўлиши мумкин.



Масалан, биргина туристик ҳаракатлар тўхтатилиши туфайли "Ўзбекистон ҳаво йўллари", "Ўзбекистон темир йўллари", автокорхоналар ва меҳмонхоналар, умумий овқатланиш корхоналари, савдо дўконлари қанчадан-қанча иқтисодий зиён кўради. Ёки кредит олиб ишлаётган корхоналар фаолияти тўхташи оқибатида кредит фоизларини қайтариш, солиқ тўловлари бўйича муаммолар туғилади. Бу ҳаракатлар аҳоли турмуш тарзига, ижтимоий ҳимоясига, руҳиятига салбий таъсир ўтказиши табиий.

Президентимизнинг "Коронавирус эпидемияси ва глобал инқироз ҳаракатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тардбирлар тўғрисида"ги фармони бугун одамларни ўйлантираётган кўплаб саволларга жавоб бўлди. Энг муҳими, ҳозирги мураккаб шароитда давлат оғирликни ўз зиммасига олиб, тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, иқтисодий тармоқларни инқироздан сақлаб қолиш чора-тадбирларини кўрди. Ҳар қандай чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин, аммо унинг ижросини таъминлаш учун молиявий имконият бўлмаса, мақсадга эришиб бўлмайди. Фармонга асосан, инқирозга қарши жамғарма тузилиб, унга ўн триллион сўм ажратиладиган бўлди.

Аввало, шифохоналарни дори-дармон, ҳимоя ва диагностика воситалари билан таъминлаш, карантин ҳаракатларини ўз вақтида молиялаштириш масаласи белгилаб олинди. Маълумотларга қараганда, юртимизда коронавирусга қарши курашиш ишларига 5,5 минг тиббиёт ходими жалб этилган. Уларнинг ойлик маошига қўшимча 120 фоиз устама тўланадиган бўлди.

Тўғриси, тадбиркорлар, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари "эртага аҳволимиз нима бўлади", деб ташвишланиб турган бир пайтда коронавирус таъсири энг юқори бўлган иқтисодиёт тармоқларига солиқ таътиллари ва кредит қарзлари бўйича имтиёзлар бериш, бюджет ссудалари ажратиш вазифалари белгиланди. Маҳаллий солиқларни ундириш ҳам олти ойгача кечиктирилди. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромад солиғи 50 фоиз камайтирилди.

Бу каби имтиёзлар фармонда аниқ кўрсатилган, уларнинг аҳамиятини мутахассислар ҳар куни ОАВда шарҳлаб бормоқда. Фармоннинг ҳар бир банди аҳамиятидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, қуйидаги ҳақиқатларни англаймиз. Биринчидан, давлатимиз ҳар қандай иқтисодий сарф-харажатлардан халқимиз саломатлиги, ҳаётини устун кўрмоқда. Иқтисодий зарарлар ўрни қопланади, аммо одамларга зиён-заҳмат етмаслиги керак. Иккинчидан, коронавирусга қарши мукаммал ва дадил чора-тадбирлар кўрилаётгани одамларнинг давлатга ишончини оширмоқда, ваҳимага тушишга асло ўрин йўқлигини англатмоқда. Лекин "ваҳимага берилманг", дегани бепарво бўлишни билдирмайди.

Ўтган ҳафтада Олий Мажлис Қонунчилик палатасида сенаторлар билан биргаликда ушбу фармон аҳамияти кенг муҳокама қилинди, фармон ўз вақтида қабул қилингани, масаланинг барча жиҳатлари қамраб олингани эътироф этилди, депутатлар ва сенаторлар зиммасидаги вазифалар белгилаб олинди. Биринчи навбатда, фармон маъно-мазмуни ва мақсадини тарғибот қилишда фаол иштирок этиш лозимлиги таъкидланди. Энг муҳими эса унинг ижроси қаттиқ назорат қилиниши, ҳар бир сўм мақсадли, самарали ишлатилиши лозимлигига эътибор қаратилди.

Бугун ҳар биримиз ўзимизга ўзимиз савол беришимиз керак: давлат шунча чора-тадбирларни кўраётган экан, биздан нима талаб қилинади?

Аввало, бу фармонни халқимиз саломатлиги тўғрисида қайғуришнинг чинакам намунаси эканини англаб олмоғимиз керак. Ҳозир хорижий давлатлар мутахассислари ҳам бу фармонга ва Ўзбекистонда коронавирусга қарши кураш чора-тадбирларига юқори баҳо бермоқда. Иккинчидан, асоссиз тарқатилаётган гапларга фаол муносабат билдиришимиз лозим бўлади. Учинчидан, давлатимиз халққа кўрсатаётган эътибор ва меҳр ҳар қандай дарднинг олдини олишда ёки уни даволашда асосий дори-дармон ҳисобланади. Меҳр-оқибатли ва эътиборли бўлсак, мутахассислар тавсияларга қатъиян амал қилсак, ўзимизни ҳам, яқинларимизни ҳам асраймиз.

Ўзбекистонда санитария ва карантин қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик бор

Санитария қонун ҳужжатларини, санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузганлик учун

ФУҚАРОЛАРГА
223 минг сўмдан
669 минг сўмгача,

МАНСАБДОР ШАХСЛАРГА
1 млн. 115 минг сўмдан
2 млн .230 минг сўмгача
жарима солинади

Карантинли ва бошқа юқумли касалликлар пайдо бўлиши ёки тарқалишининг олдини олиш мақсадида белгиланган мажбурий қоидаларни бузганлик учун

ФУҚАРОЛАРГА
669 минг сўмдан
1 млн, 115 минг сўмгача,

МАНСАБДОР ШАХСЛАРГА
2 млн. 230 минг сўмдан
3 млн. 345 минг сўмгача
жарима солинади

Санитарияга оид қонун ҳужжатларини ёки эпидемияга қарши кураш қоидаларини бузиш одамларнинг оммавий касалланишига олиб келса,

11 млн. 150 минг сўмдан
22 млн. 300 минг сўмгача миқдорида жарима солиш ёки

- 5 йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки
- 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки
- 1 йилдан 3 йилгача озодликни чеклаш ёхуд
- 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одамнинг ўлимига сабаб бўлса,

- 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки
- 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд
- 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш одамларнинг ўлимига сабаб бўлса,

- 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Манба: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси

Дунёдаги турли мамлакатларда карантин тартиби бузилганда қандай жазо қўлланилади?





КАНАДА
Касаллик тарқалиши хавфи учун 1 миллион АҚШ доллари миқдоригача жарима ёки 3 йилгача қамоқ жазоси.

БУЮК БРИТАНИЯ
1100 АҚШ доллари миқдоригача жарима ёки қамоқ жазоси.

ИТАЛИЯ
Уч ойгача қамоқ жазоси ёки 223 АҚШ доллари миқдорида жарима.

ФРАНЦИЯ
Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруғига кўра, "мавжуд хавфларга мос келадиган ҳар қандай чоралар"ни кўриши мумкин.

АҚШ
Турли штатларда ҳар хил жазолар қўлланилади. 500 — 500 000 долларгача жарима ёки 30 кунгача қамоқ ва бир йилгача озодликдан маҳрум этиш жазолари.

АВСТРАЛИЯ
Бир йилгача қамоқ жазоси ёки штатлар кесимига қараб 20 000-100 000 АҚШ доллари миқдоригача жарима.

АРГЕНТИНА
Уч йилдан 15 йилгача қамоқ жазоси ва 1600 АҚШ долларигача жарима.

ҚИРҒИЗИСТОН
Уч йилгача қамоқ жазоси.
Агар карантин қасддан бузилган бўлса, етти йилгача озодликдан маҳрум этиш.

ХИТОЙ
Уч йилгача қамоқ жазоси, санитар назорати хизматидагиларга қаршилик кўрсатганлар 700 АҚШ доллари миқдоригача жарима.

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ
8200 АҚШ доллари миқдоригача жарима ёки бир йилгача қамоқ жазоси.

СИНГАПУР
10 000 АҚШ доллари миқдоригача жарима солиш ёки олти ойга озодликдан маҳрум қилиш.

ИСПАНИЯ
Уч ойдан 1 йилгача 150-900 АҚШ доллари миқдоригача жарима.

ПОЛЬША
1300 АҚШ доллари миқдоригача жарима.

РОССИЯ
1000 АҚШ долларигача жарима, инсон ўлими билан якунланса, унда 5 йилгача қамоқ жазоси.

РУМИНИЯ
4 500 АҚШ доллари миқдоригача жарима.

ИСРОИЛ
Уч йилгача қамоқ жазоси, карантин қасддан бузилган бўлса, етти йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси ёки 1360 АҚШ доллари миқдоригача жарима.

ЧЕХИЯ
130 000 АҚШ доллари миқдоригача жарима.

СЛОВАКИЯ
1800 АҚШ доллари миқдоригача жарима. Бундай давлатларга ташриф буюрганлигини била туриб яширса, жиноий иш қўзғатилиши мумкин.

Академик Саидов Мухтор Сафарбаевич



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради.

Физик кимё ва яримўтказгичлар физикаси соҳасидаги таниқли олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Саидов Мухтор Сафарбаевич шу йил 20 март куни 89 ёшида вафот этди.

М.Саидов 1930 йил 21 ноябрда Қорақалпоғистон Республикасининг Манғит шаҳрида туғилди. 1951 йилда Хоразм давлат педагогика институтини тугатиб, 1951-1954 йилларда Москва давлат университети аспирантурасида таҳсил олди. 1954 йилда номзодлик, 1970 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилди. 1984 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

М.Саидов ўз меҳнат фаолиятини 1954 йили Хоразм давлат педагогика институтида катта ўқитувчи сифатида бошлади. Кейинчалик Самарқанд давлат университетида кафедра мудири лавозимида ишлади. Меҳнат фаолияти давомида Фанлар академияси Физика-техника институтида катта илмий ходим, лаборатория мудири, директор ўринбосари, Электроника институтининг директори, Ўзбекистон Фанлар академияси президиуми Физика-математика бўлимининг академик-котиби, "Ўзгелиотехника" маркази раҳбари каби масъул вазифаларда самарали хизмат қилди.

Заҳматкаш олимнинг яримўтказгичлар технологияси соҳасининг назарий ва амалий масалаларига бағишланган кўплаб мақолалари, китоб ва монографиялари юртимиз ва хорижий мамлакатлар илмий жамоатчилигига яхши маълум. Унинг бир қатор илмий ишланмалари иқтисодиётимиз тармоқларида муваффақиятли қўлланиб келмоқда.

Жонкуяр устоз, моҳир педагогнинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан номзодлари ва фан докторлари тайёрланган.

Академик М.Саидовнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби" фахрий унвони, Ўзбекистон Республикаси давлат мукофоти билан тақдирланган эди.

Атоқли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Мухтор Саидовнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш.Мирзиёев, Т.Норбоева, Н.Исмоилов, А.Арипов, М.Ерниязов, Б.Йўлдошев

Таҳлил ва таққос

СУҒУРТА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

хизмат сифатини яхшилайди ва кўламини кенгайтиради



Сарвар ОТАМУРОДОВ,
"Ўзагросуғурта" АЖ бошқаруви раиси

Ҳозирги кунда "суғурта маданияти" ибораси тез-тез тилга олинмоқда. Аслида, бу атамада аҳолининг суғурта хизматидан хабардорлиги, фойдаланиш қамрови ҳамда кундалик турмуш тарзининг бир қисмига айланганлик ҳолати тушунилади. Ушбу молиявий хизматлар моҳиятини англаш, қабул қилиш ёки рад этиш инсоннинг суғурта маданияти даражасини аниқловчи индикатор сифатида кўрилади.

Замон ривожланиб, янги касблар, янги билимлар пайдо бўлмоқда. Хизмат кўрсатиш сифати ва кўламини оширишда, авваламбор, кадрлар салоҳиятини талаб даражасига етказиш лозим.

Жамиятни хатарлар билан ҳисоблашишга ўргатиш ва аҳоли турмуш тарзида молиявий таваккалчиликларни бўлишиш кўникмаси шунчаки орттирилмайди. Мутахассислар фикрича, фуқароларнинг суғуртага ишончсизлиги ёки бирмунчаси соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатаётган асосий омил эмас. Депсинишнинг асл сабаби хизмат кўрсатиш сифатининг пастлигидир.

Бугунги ислоҳотлар, очиқлик ва ошкоралик даврида хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда мижозлар ҳоҳишларига кўра, янги суғурта турларини ривожлантириш, суғурта бозорида соғлом ва ҳалол рақобат муҳитини яратиш муҳим вазифалар ҳисобланади.

Шунинг учун жамиятимизда тўлов жараёнларини соддалаштириш, алоқадор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва барча зарурий ҳужжатларни рақамлаштириш борасида қатор чоралар кўрилмоқда. Бу эса келгусида хизматлар сифати яхшиланишига ва ихтиёрий суғурта турларининг оммалашишига хизмат қилади.

Жамиятда суғурта хизмати етарли даражада оммалашмагани ҳуқуқий саводхонлик билан боғлиқ. Бундай хулоса "Ўзагросуғурта" АЖ почта манзилига ҳар ой келиб тушадиган шикоят хатлари таҳлилларига асосланган бўлиб, мурожаатларда асосан, 3-4 хил одатий масала тилга олинади. Кимдир суғурта полиси бўлса-да, товон тўланмади деса, бошқаси тўлов кам бўлди, деб қайта кўриб чиқишни сўрайди. Аслида мурожаатчиларнинг ҳамма саволига жавоб улар билан тузилган шартномада акс этган. Хусусан, унда суғурта ҳодисаси юз берганда нима қилиш керак, қандай ҳужжатларни қанча вақт ичида тақдим этиш лозимлиги қайд этилган. Мана шундай тушунмовчиликлар кўпчиликда суғурта хизматига нисбатан ишончсизлик пайдо бўлишига олиб келади.

"Ўзагросуғурта" АЖ 140 турдаги суғурта хизмати кўрсатади, шулардан фақат 8 таси мажбурийдир. Кўринадики, хизматлар асосан, ихтиёрий суғурта турларига тўғри келади. Бироқ ундан одамлар деярли фойдаланмайди ва етарли маълумотларга ҳам эга эмас. Аммо республикамизда фаолият юритаётган чет эл корхоналари ва хорижий ваколатхоналар барча, шу жумладан, ходимлар соғлиғи билан боғлиқ хатарларни суғурта қилишади. Демак, олдимизда ўз халқимиз ва корхоналаримизда суғурта маданиятини оширишдек кенг қамровли вазифалар турибди.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йил 10 июлда суғурта бозорини ривожлантириш юзасидан ўтказилган йиғилишда устувор масалаларга эътибор қаратилди. Хизмат кўрсатиш сифати ва кўламини кенгайтириш, кадрлар салоҳияти ва малакасини ошириш, суғурта хизматининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини икки баробар кўпайтириш вазифалари шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2019 йил 2 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар мамлакат суғурта бозори жозибадорлигини оширишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу аснода "Ўзагросуғурта" акциядорлик жамиятида 5 та суғурта тури бўйича онлайн полис сотиш йўлга қўйилди. Онлайн хизматлар, аввало, мижозларга қулайлик яратади, аҳолининг бошқа суғурта турлари бўйича хабардорлигини оширади.

"Ўзагросуғурта"да кадрлар малакасини юксалтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, ҳисоботларни халқаро стандартларга ўтказиш ва алоқадор ташкилотлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш устувор вазифалар этиб белгиланди. Малакали агентлар тайёрлашнинг оптимал тизимини яратиш шулар жумласидандир. Чунки компания полисларини сотадиган агентлар салоҳияти суғурта бозоридаги оғриқли масалалардан ҳисобланади.

Японияда 500 та талабгордан атиги 5 нафари суғурта агенти сифатида танлаб олинади. Бизда эса бу борада деярли ҳеч қандай талаб йўқ. Мактабни битириб, суғурта агенти сифатида фаолият юритиш мумкин. Вазифаси ҳам содда, офисда ўтириб мажбурий суғурта турлари бўйича полис расмийлаштиришдан иборат. Аслида агент лавозимига компания хизматлари тўғрисида кенг хабардор мутахассислардан танлаб олиниши керак. Шундан келиб чиқиб, "Ўзагросуғурта" АЖ агентлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш учун сармоя ажратишни режалаштирган. Чунки малакали агентлар билан тизимда суғурта жозибадорлигини ошириш борасида янги ёндашув пайдо бўлади.

Суғурта ташкилотининг асосий тарғиботчиси, уни халққа етказувчи восита агент ва оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Тарғибот-ташвиқотни янада жонлантириш, очиқ мулоқотларни кўпайтириш, ОАВларда чиқишлар сонини ошириш лозим. Зеро, суғурта хизматлари кўламини ошириш учун мижоз билан ишлаш талаб этилади. Малакали агентлар орқали мижозларнинг талаб ва эҳтиёжларига мос суғурта хизматлари кўрсатилса, полислар сотилиши ортишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг суғурта маданияти шаклланганидан далолат беради.

Албатта, бу жараёнда суғурта ҳамжамиятининг ва Ўзбекистон суғурта бозори профессионал иштирокчилари уюшмасининг роли сезиларли бўлиши зарур. Бу эса, аввало, суғурта ташкилотлари, молия ва барча иқтисодий институтларнинг ҳамнафас ва мувофиқ ривожланишини талаб этади.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг сифатли ижросини таъминлаш суғурта бозорини жаҳон стандартлари асосида тараққий эттиришга хизмат қилади.

Долзарб мавзу

"ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ"

фуқароларда соф инсонийлик бурчини чуқур англаш, жамият ва ватан олдидаги мажбуриятларни ҳалоллик билан бажариш ҳиссини шакллантиради



Шариф ҚОБИЛОВ,
ИИВ Академияси криминология кафедраси доценти, полковник

Бугун жамоатчилигимиз том маънода уйғонди, энди турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишни ўрганмоқда. Масалан, 2019 йилда давлат бюджети илк бор кенг муҳокама этилиб, очиқлик ва ошкоралик руҳида қабул қилинди. Унда турли вазирлик ва идоралар ҳар бир сўмни нимага ва қандай харажат қилиши аниқ кўрсатиб берилди.

Мамлакатимизда коррупция тусидаги жиноятнинг илдизини қирқишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, болаларни боғчага жойлаштиришга электрон навбат, мактаблар ва олий таълимга ўқишга қабул қилишда очиқ ва ошкора тартиблар яратилгани амалий қадамлардир. Шунингдек, "ягона дарча" тамойили асосида 100 дан ортиқ турдаги давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Коррупциянинг аниқ сабаб ва шарт-шароитларини аниқлашда коррупция ҳақида "огоҳлантирувчи сигналлар" рўйхатини ишлаб чиқилиши борасида дастлабки қадамлар қўйилди. Ҳудудлар (вилоят, туман) ва идораларда (таълим, соғлиқни сақлаш, қурилиш ва ҳоказо) коррупция даражаси ҳақидаги жамоатчилик фикрини аниқлаш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказилмоқда. Давлат хизматчиларини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган норматив ҳужжатлар қабул қилиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини ислоҳ этиш, яъни тиббий хизмат, уй-жой билан таъминлаш (сотиб олиш) бўйича имтиёзлар яратилмоқда. Идоралардаги коррупциянинг келиб чиқишига барҳам берилмоқда.

Бироқ жамиятимиз салбий иллатлардан, қонунга беписандлик ҳолатларидан батамом қутулди, деб айтишга ҳали эрта. Чунки мажозан айтганда, нияти ва қўли пок бўлиши зарур бўлган давлат органларининг ўзида манфаатпарастлик, порахўрлик, коррупция, айбдорларга ҳомийлик қилиш, ўз ишига жинояткорона совуққон муносабатда бўлиш каби ҳолатлар учраб турибди.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида: "Афсуски, жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. Бу ёвуз балонинг олдини олмасак, ҳақиқий ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиб бўлмайди, умуман, жамиятнинг бирорта тармоғи ривожланмайди. Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак", деб таъкидлади.

Президентимиз "ҳалоллик вакцинаси" атамасини биринчи бўлиб илмий муомалага киритгани бежиз эмас. Чунки коррупция мамлакатимизда йиллар давомида одат тусига кириб қолганидан ҳаммамиз хабардормиз.

ВАКЦИНАНИНГ КОРРУПЦИЯГА НИМА ДАХЛИ БОР?

Бунга жавобан, "ҳалоллик вакцинаси" мажозий маънода ҳалолликни шакллантирувчи ижтимоий препаратдир, дейиш мумкин. "Ҳалоллик вакцинаси" жамиятга зид иллат — коррупциядек жиддий касаллик келиб чиқмаслиги ёки қўшимча таъсирлар кўрсатмаслигининг олдини олади. У фуқароларда соф инсонийлик бурчини чуқур англаш, жамият ва ватан олдидаги мажбуриятларни ҳалоллик билан бажариш ҳиссини шакллантиради. Чунки ҳалоллик ижтимоий муҳитда, халқ орасида яратилади.

"Ҳалоллик вакцинаси"нинг муҳим шарти коррупциоген схемани, яъни коррупционерларнинг "даромад" топишга қаратилган ҳийла ва найрангларини ўз вақтида аниқлаш, яъни ташхис қўйишдир.

Одам боласи бу ёруғ оламга ёмонлик, жиноят, хиёнат қилиш учун келмайди. Унда мақсад, масъулият, дахлдорлик ҳисси доим улуғвор. Шу боис, пешона тери, ҳалол хизмати билан яхшиларга ёндашади. Кимни бахтли деб ҳисоблаш мумкин, деган саволга юнон файласуфи Сукрот бундай жавоб берган: "Кимда ҳалол фикр ва ўткир зеҳн бўлса, ўшани". Демак, ҳалоллик фикрдан бошланмоғи керак. Улуғларимиз айтганидек, маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгити билан бирга сингади.

"Ҳалоллик вакцинаси" маънавиятнинг юксалишидан таркиб топади, таълим-тарбиядан озиқланади. Шу боис, аҳолининг барча қатламларида узлуксиз таълим-тарбия орқали коррупцияга қарши курашиш иммунитетини ошириш олиб борилаётган сиёсатимизнинг асосий йўналишларидан бири саналади.

Коррупцияга қарши самарали курашган давлатларнинг олди қаторларида Сингапур ҳам бор. Коррупцияни идрок этиш бўйича Сингапур дунёда мунтазам 5-7-ўринни, Жаҳон банкининг "Бизнес юритиш" рейтингида 1-ўринни, глобал рақобатбардошлик бўйича 2-ўринни эгаллагани асосида кам сонли аҳолисининг мамлакатига бўлган садоқати ётади. Сингапурни мўъжиза давлатга айлантирган Бош вазир Ли Куан Юдан мамлакатнинг бугунги тараққиёти ҳақида кўпчилик қизиқиб сўраганида бундай жавоб берган. "Мен Сингапурда мўъжиза яратмадим. Мен фақат Ватаним олдидаги бурчимни бажардим. Давлат бюджетини таълимга йўналтирдим. Муаллимни энг қуйи табақадан Сингапурдаги юқори мартабага кўтардим. Давлатдаги "мўъжиза"лар муаллифи муаллимлардир. Улар илм, ахлоқ, меҳнат ва ҳақиқатни севадиган камтар авлодни етиштирдилар. Бунинг учун улардан миннатдормиз!".

"Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир!" ўгити ҳам "ҳалоллик вакцинаси"нинг асосий элементи билим эканига далолатдир.

БИЛИМ КОРРУПЦИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИНИ БАРТАРАФ ЭТАДИ

Ҳозирги кунда давлатимиз миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, одамларни ҳалол, инсофли, адолатли бўлишга чақиришни ўз ички сиёсатининг муҳим қисми деб билади.

Авваламбор, давлатимиз раҳбари қатъияти билан ташаббускор ислоҳотчи бўлиб майдонга чиқадиган, стратегик фикр юритадиган, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарурлиги белгиланди. Шунинг учун ҳам боғчадан бошлаб олий ўқув юртигача — таълимнинг барча бўғинларини ислоҳ қилишни бошладик.

"Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир!" ўгити ҳам "ҳалоллик вакцинаси"нинг асосий элементи билим эканига далолатдир.

Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбари "ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак"лигига ишора этмоқда. Чунки билим коррупциядек касалликнинг ривожланишини бартараф этади, коррупция вабоси тарқалишига йўл қўймайди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишнинг яхлит тизими пайдо бўлди. 2017 йил 3 январда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Унда қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар устуворлиги ҳамда жавобгарликнинг муқаррарлиги бу борадаги муносабатларни тартибга солишнинг асосий принципларини этиб кафолатланди. Ҳисобдорлик принципи йўлга қўйилди. Шунингдек, мамлакатимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо, албатта, муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўрилмоқда. Коррупцияни бартараф этишда ахлоқан поклик, ҳалоллик фазилатларини шакллантириш масалалари бўйича доимий ўқитиш ва малакасини оширишни таъминлаш, бу борада амалий йўналишга эга бўлган тегишли ўқув материалларини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига жорий этиш ишлари йўлга қўйилмоқда.

Бахмал заминида хорижлик инвесторлар билан ҳамкорликда заъфарон ўсимлигини етиштириш сари қўйилган қадам давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар нечоғлик самарали эканидан далолатдир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 25 март, 44-сон

Ижтимоий ҳимоя



Пенсияга чиқишда фақат паспортнинг ўзи етарли бўлади

Лутфулла СУВОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Охирги йилларда мамлакатимиз давлат пенсия таъминоти тизимида катта ўзгаришлар юз берди. Дастлабки амалга оширилган тадбирлар натижасида фуқароларнинг пенсия тўлови бўйича янги механизмлар яратилиб, амалиётга жорий қилинди.

Жумладан, 2017 йилда пенсияларни тайинлашда иш ҳақи тўғрисида архив маълумотлари мавжуд бўлмаганда, унинг миқдорини аниқлаш 2005 йилдан кейинги давр учун жамғариб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, 2015 йилдан кейинги давр учун Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан келиб чиқиб амалга оширилиши белгиланди.

Тизимдаги янгиликлардан яна бири шуки, Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 28 декабрдаги фармонига асосан, 2018 йил 1 январь ҳолатига 65 ёш ва ундан ошган ҳамда 2010 йилга қадар пенсия тайинланган фуқароларнинг пенсиясида аниқланган ортиқча тўловлар қарздорлик ҳисобидан чиқарилди.

Бундан ташқари, 2019 йилнинг 1 августидан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг янги механизмлари жорий этилди.

— Пенсия таъминотига доир қонун ҳужжатларига киритилган қўшимчаларга асосан, 2019 йилнинг 1 сентябридан манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга ҳам давлат пенсияларининг бирини тайинлаш ва тўлаш ҳуқуқи берилди, — дейди Пенсия жамғармаси ижрочи директори ўринбосари Шуҳрат Давронов. — Натижада ўтган давр мобайнида Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан манзил-колонияда жазо муддатини ўтаётган 37 нафар фуқарога пенсиялар тайинланган бўлса, 31 нафарининг илгари тўхтатилган пенсия тўловлари тикланди.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги пенсия таъминоти тизими замон талабларига тўлиқ жавоб бермайди, фуқароларнинг кексайган ёшда, меҳнат қобилияти ёки боқувчисини йўқотгандаги ижтимоий ҳимояси учун максимал даражада мақбул шарт-шароитларни таъминлай олмайди. Мамлакатимизда 2020 йил 1 апрелга қадар Жаҳон банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотларини жалб этган ҳолда 2030 йилгача пенсия тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида фуқароларимиз пенсияга чиқиши учун фақат паспорти билан бориб, мурожаат қилиши кифоя бўладиган тизимни яратиш вазифасини қўйди. Албатта, бунинг учун, биринчи навбатда, давлат архиви тизими электрон шаклга ўтказилиши керак, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари. Бу борада Пенсия жамғармаси зарур чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, идоралараро маълумотлар алмашинувини кенгайтириш мақсадида "Пенсия" дастурий мажмуини модернизация қилиш режалаштирилмоқда, бу янги комплекс бўлади.

"Пенсия" дастурий комплекси амалиётга 2012 йилда жорий қилинган бўлиб, бугунги кунда 3,7 миллион нафар пенсия ва нафақа олувчи ҳисоби юритилади. У орқали Соғлиқни сақлаш, Адлия ҳамда Ички ишлар вазирликлари, Марказий банк, Халқ банки ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан автоматик маълумот алмашиш тизими йўлга қўйилган. Дастур воситасида пенсия, нафақалар ва бошқа тўловлар тайинланади, уларнинг миқдорлари автоматик равишда ҳисобланади. Тўлов рўйхатлари автоматлаштирилган ҳолда шакллантирилиб, Халқ банки ва тижорат банкларига электрон шаклда юборилади ҳамда амалга оширилган тўловлар реал вақт режимида назорат қилинади.

Бундан ташқари, ишловчиларга пенсия ва нафақа тўлови учун талабномалар корхона ва ташкилотларга электрон шаклда тақдим этилади. Корхона ва ташкилотлар томонидан жамғармага қопланиши лозим бўлган маблағлар Солиқ қўмитаси дастурига автоматик равишда юкланиб, ундирилади.

Дастурий комплексни модернизация қилиш жараёнида 22 та вазирлик ва идора билан ахборот алмашинувини йўлга қўйиш ишлари амалга оширилади. Молия (Ғазначилик), Олий ва ўрта махсус таълим, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирликлари, Статистика қўмитаси, Мажбурий ижро бюроси, Давлат хизматлари агентлиги, "Ўзархив" агентлиги ва бошқа бир қатор вазирлик ҳамда идоралар, шулар жумласидан. Бу такомиллашувлар натижасида фақат паспорт ёрдамида пенсия тайинловчи тизим йўлга қўйилади.

Мурожаатномада 2020 йилда эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар қаторида кексалар, жумладан, ёлғиз кексалар билан ишлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит ва таъсирчан тизим яратиш юзасидан ҳам таклифлар берилди. Жумладан, Президентимизнинг ногиронлик, дафн маросими, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақалар, иш пайтида майиб бўлганлик учун товон пули каби тўловларни қайта кўриб чиқиб, "Ижтимоий суғурта тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш борасида янги парламентга берган топшириғи бўйича ёрқин мисолдир.

Бугун мамлакатимизда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириб бориш, ижтимоий заиф қатламларни янада қўллаб-қувватлаш учун қулай шарт-шароит яратилмоқда.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг давоми сифатида 2020 йил 1 февралдан пенсия ва нафақаларнинг миқдори 1,07 баравар оширилиши натижасида 3,6 миллион нафардан ортиқ пенсия ва нафақа олувчининг моддий таъминоти янада яхшиланмоқда. Оширилган пенсия ва нафақаларни молиялаштириш мақсадида давлат бюджетидан ҳар ойда қўшимча 20 миллиард сўм, Пенсия жамғармасидан 173 миллиард сўм маблағ ажратиляпти.

Мурожаатномада Президентимиз томонидан белгилаб берилган асосий вазифалар юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз тинчлиги учун амалга оширадиган ислоҳотларимиз ва бу борадаги ишларни жадаллаштиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.



ТАШРИФ

"ТСТ AGROCLUSTER" ТАЖРИБАСИ БИЛАН ТАНИШУВ

Гулчеҳра ДУРДИЕВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Дунё экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, илғор давлатлар иқтисодиётининг қарийб 50 фоизи кластер усулига ўтган. Айнан кластер кучли, муросасиз рақобат муҳитида яшаб қолишнинг энг оқилона йўлидир. Президентимиз шу йил 12-13 март кунлари Хоразм вилоятига қилган сафари чоғида йирик лойиҳалар билан танишиб, қишлоқ хўжалиги тармоқларида кластерларни ташкил этиш, бу борада тажриба алмашиш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилган ҳолда янги корхоналар ва иш ўринлари яратиш юзасидан зарур тавсия ва топшириқлар берди.

Вазифалар масъулиятини теран англаб, топшириқлардан тўғри хулоса чиқарган Хоразм вилояти туманлари ҳокимларидан иборат гуруҳ тажрибалар билан танишиш мақсадида Тошкент вилоятига ташриф буюрди.

Меҳмонлар дастлаб "ТСТ Agrocluster" агросаноат кластерига қарашли далаларда бўлиб, деҳқончилик ишларини ташкил этиш жараёнлари билан танишди.

Қуйи Чирчиқ туманидаги "ТСТ Agrocluster" агросаноат кластери Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги қарори билан таниқли инвестор Муртазо Раҳматов таъсисчилигида ташкил этилган. Умумий ер майдони 35,4 минг гектардан иборат.

Мулоқотлар давомида меҳмонларга агрокластернинг афзалликлари, деҳқонлар манфаатдорлигини таъминлаш ва замонавий техника сотиб олишдаги ўрни ҳақида атрофлича маълумот берилди.

— Давлатимиз раҳбари дунёнинг илғор мамлакатлари қаторидан жой олишнинг йўли аграр тармоқда, илм-фанда, таълим тизимида ва бошқа соҳаларда кластер жорий этилиши эканини кўп бор таъкидлаб келяпти, — дейди Қуйи Чирчиқ тумани ҳокими ўринбосари Отабек Султонбеков. — Туманимиз вилоятнинг чекка, паст-қамроқ ҳудудида жойлашгани учун қўшни ҳудудларнинг ер ости сизот сувлари тўпланади. Шу боис, анча йиллардан бери туманимизда шоличилик, балиқчилик соҳалари нисбатан ривожланган, лекин пахта ва ғаллачиликда қолоқлик кузатиб келинарди. Ўтган йили "ТСТ Agrocluster" кластерининг саъй-ҳаракати билан пахтачилик бўйича режа вилоятда биринчи бўлиб бажарилди.

— Кўп тармоқли агросаноат кластеримиз ўнга яқин инвестициявий лойиҳани амалга оширади. Ўтган йили 30 минг 13 тонна пахта хомашёси етиштирилиб, режа 111 фоиз бажарилди. Ҳосилдорлик эса ўртача 32 центнерни ташкил этди, — дейди "ТСТ Agrocluster" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Матлубжон Нўъмонов. — Фермер хўжаликлари даврида ишчилар сони 898 нафарни, иш ҳақи ойига 550 минг сўмни ташкил этган бўлса, ҳозир 5536 та иш ўрни яратилиб, ўртача маош 2,1 миллион сўмга етказилди. Деҳқончилик учун зарур бўлган барча қишлоқ хўжалиги техникаларига эгамиз. Ўтган даврда 70 та ҳайдов, 200 та чопиқ трактори, 340 та тиркама, 1500 та борона, 45 та мола, 200 та культиватор, 25 та экскаватор, 5 та бульдозер, қўплаб ер текислаш техникалари ва ўндан ортиқ ўғит сочувчи агрегат, 25 та пахта териш, 35 та ғалла ўриш комбайни ва бошқа замонавий техникалар харид қилдик.

"Tashkent Cotton Textile" корхонаси "ТСТ Agrocluster" МЖЧ таркибидаги инвестициявий лойиҳалардан бири. Уч босқичли лойиҳа доирасида кластерда етиштирилган пахта шу ернинг ўзида қайта ишланади. Лойиҳанинг биринчи босқичи қиймати 47,3 миллион еврога тенг бўлиб, 2021 йилда фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Дастлабки босқичда калава-ип тайёрланса, кейинги босқичларда пахмоқ матолар тўқиш ва тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Кластер раҳбари, сенатор Муртазо Раҳматов лойиҳанинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган иккинчи ва учинчи босқичларида амалга оширилиши режалаштирилган кенг қамровли ишлар хусусида меҳмонларга сўзлаб берди.

Мулоқотлар жараёнида ҳокимларга туманда яқин ўн йилда амалга ошириш мўлжалланган балиқчилик, чорвачилик, шоличилик соҳасидаги лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Хоразмликлар туманнинг Беруний, Пахтазор, Отажонов маҳаллаларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, фойдаланишга топширилган маданий объектлар, савдо ва кўнгилочар масканлар билан танишиб, Зангиота қадамжосини зиёрат қилди.

— Тошкент вилоятида амалга оширилган ишлар бизда катта таассурот қолдирди, — дейди Гурлан тумани ҳокими Алишер Салаев. — Эътиборимни тортган жиҳати, ушбу кластер орқали кўплаб тармоқларда тўпланиб қолган муаммоларга ижобий ечим топилган, аҳолининг ижтимоий таъминоти янада яхшиланган. Қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиш натижасида тупроқ унумдорлиги яхшиланиб, мўл ҳосил олишга эришилган. Биз Қуйи Чирчиқ тажрибасини ўз ҳудудимизда, албатта, оммалаштирамиз.

ЛОЙИҲА

ЖИЗЗАХДА ОЛТИНДАН ҚИММАТ ГУЛ ЕТИШТИРИЛАДИ

Санобар ЖУМАНОВА

Жиззах вилоятининг Бахмал туманида бу йил 400 гектарлик заъфарон плантациялари барпо этилади. Яқинда давлат рўйхатидан ўтказилган "BMB-OPERA ZAFFERANO" Ўзбекистон – Италия қўшма корхонаси заъфарон етиштириш ва қайта ишлаш лойиҳасини амалга оширмоқда. Мазкур қўшма корхона Ўзбекистоннинг "BMB TRADE GROUP" инвестициявий ва консалтинг компанияси ҳамда Италиянинг "OPERA SRL" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган.

Мамлакатимизда кенг миқёсда заъфарон етиштирилиши қишлоқ хўжалигини янги йўналишларда ривожлантириш, фармацевтика корхоналарини маҳаллий хомашё билан таъминлаш, шунингдек, экспорт ҳажмини оширишда муҳим омил бўлиши кутилмоқда.

Италиянинг "OPERA SRL" компанияси президенти Паоло де Анжелиснинг таъкидлашича, заъфарон етиштириш ва қайта ишлаш бўйича имзоланган шартнома иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлайди. Лойиҳа ишга тушиши билан Ўзбекистонда етиштирилган заъфарон тўғрисида бутун Европа хабардор бўлади. Заъфарон плантациялари тўлиқ Италия технологиялари асосида барпо этилади. Ўзбекистоннинг тупроқ иқлим шароити заъфарон етиштириш учун мос бўлиб, халқаро тадқиқот фирмалари хулосалари асосида лойиҳани амалга ошириш учун Бахмал тумани танлаб олинган.

Юртимиз табиати доривор гиёҳларга ниҳоятда бой. Заъфарон ҳам қадимдан халқ табобатида кенг қўлланилган. Улуғ аждодимиз Абу Али ибн Синонинг "Тиб қонунлари" китобида заъфароннинг бир қатор шифобахш хусусиятлари саналган. У нафас йўллари (жумладан, астма), кўз, жигар, юрак хасталикларига даво, инсон рангини тиниқлаштиради. Айни кунда ҳам мазкур ноёб ўсимликнинг фармацевтика, косметология, озиқ-овқат саноатида аҳамияти ортса-ортдики, асло камаймади. Бугун заъфароннинг тўқсондан ортиқ дардга даво бўлиши исботланган. Кимёвий дориларнинг фойдасидан зарари кўплиги ўз исботини топаётган бир пайтда табиий дориларнинг аҳамияти янада ортади.

— Лойиҳанинг умумий қиймати 25 миллион еврони ташкил этади, — дейди "BMB Trade Group" компанияси кузатув кенгаши раиси Бекзод Маматқулов. — Лойиҳа ишга тушиши натижасида 800 та доимий, 20 мингга яқин мавсумий ишчи ўрни яратилади. Айни кунда лойиҳани амалга ошириш учун ер майдонлари ажратилган. Ерга ишлов бериш, экин учун тайёрлаш ишлари июнь ойидан бошланиши, август ойида заъфарон экилиши, илк ҳосил октябрь-ноябрь ойларида йиғиб олиниши режалаштирилган. Заъфарон туганак пиёзлари Италиядан келтирилади. Малакали агроном, технологлар жалб этилади.

Заъфарон кўп йиллик ўсимлик бўлиб, 7 йилгача ҳосил олиш мумкин. Ҳосилдорлик биринчи йили гектарига 1-1,5 килограммни ташкил этса, туганак пиёзлари кўпайиши ҳисобига йилдан-йилга ошиб боради. Сабаби, Ўзбекистон шароитида бир йилда битта туганак еттитагача кўпаяди.

Ўсимликдан тиббиёт, фармацевтика, атторликда ишлатиладиган эфир мойи, саноатда ранг олинади. Шу тариқа лойиҳа кўлами босқичма-босқич кенгая боради. Шунингдек, тупроқни ўрганиш, маҳсулот сифатини жаҳон талабларига мос тарзда текшириш ва сертификатлаш учун илмий-инновацион лаборатория ташкил этилиши кўзланган. Бу лабораторияда нафақат заъфарон, балки қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотлари учун ҳам сертификатлар берилади. Қўшма корхона негизида машина-трактор парки очилса, ён-атрофдаги фермерлар учун ҳам қулайликлар ошиб боради.



Дунёдаги энг қиммат ўсимликлардан бири, "қизил олтин" дея эътироф этилувчи заъфарон гулининг 1 килограмми 8 минг евродан юқори баҳоланади. Нави ва сифатидан келиб чиқиб, нарх 30 минг еврогача кўтарилиши мумкин. Сабаби, маҳсулот етиштириш учун катта плантация керак ва гулларни териш ишлари фақат қўлда бажарилади. Заъфарон гули очилиши билан терилиши керак. Гулдаги асосий қимматга эга хомашё унинг қизил тумшуқчаларидир.

— Мазкур лойиҳанинг аҳамияти тўғридан-тўғри хорижий инвестициянинг киритилиши, янги иш ўринларининг яратилиши, мамлакатимизнинг доривор ўсимлик етиштириш бўйича салоҳияти ошиб боришида кўринади, — дейди Бахмал тумани ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва кичик саноат зоналари, туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Дилшод Умаров. — Заъфароннинг Crocus sativus нави ноёб ва харидоргир бўлиб, лойиҳада айнан шу нав етиштирилиши кўзда тутилган.

Президентимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан яқиндан танишиш мақсадида вилоятларга ташрифи чоғида ҳудуд иқлимига мос, экспортбоп ўсимликлар етиштириш бўйича кўрсатмалар беради. Бахмал заминида хорижлик инвесторлар билан ҳамкорликда заъфарон ўсимлигини етиштириш сари қўйилган қадам давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар нечоғлик самарали эканидан далолатдир. Зеро, биргина мазкур лойиҳа туфайли юзлаб янги иш ўрни яратилади. Юртимизга чет элдан катта миқдорда инвестиция кириб келиб, иқтисодиётимиз ривожига ҳисса қўшилади.

Гулистон шаҳридаги "Болалар шаҳарчаси"да тарбияланаётган болаларнинг 44 нафари 2020 йилда доимий уй-жойга эга бўлади. Бу улар учун жуда катта қўлловдир. Улар орасидан 7 нафари олий ўқув юртига кирди. Танловларда қатнашиб, юқори натижаларга эришди. Меҳрибонлик уйидан чиққан болаларнинг 12 фоизи ота-оналар қарамоғига қайтяпти. Ҳозир имкон қадар болалар оилаларга жойлаштириляпти.

ИМКОНИЯТ

МЕҲНАТ ГУВОҲНОМАСИ ИШ СТАЖИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Юртдошларимиз орасида бирор корхона, идора ёки ташкилотда ўзига қулай иш тополмаслиги натижасида меҳнат шартномаси, доимий иш ҳақига эга бўлмаган, бироқ турли мавсумий меҳнат билан банд бўлган ёки оиласида томорқа билан шуғулланиб, даромад топадиганлар кўпчиликни ташкил этади. Аммо шу кунга қадар уларнинг фаолияти ҳеч қаерда қайд этилмасди. Бу эса нафақа ёшига етганда нафақа тайинлаш учун талаб қилинадиган меҳнат стажи йўқлиги муаммосини келтириб чиқаради.

Бу масалада фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида аҳоли бандлигини ошириш, хусусан, ўзини ўзи банд қилаётган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериладиган фаолият турлари рўйхатини қайта кўриб чиқиш ва кенгайтириш масаласи муҳим вазифа сифатида белгиланди.

КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан мамлакатимизда 2019 йил 1 сентябрдан ўзини ўзи банд қилган фуқароларга меҳнат гувоҳномалари бериш амалиёти жорий этилди.

— Талабгор республиканинг исталган ҳудудидаги аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига шахсини тасдиқловчи гувоҳномаси бўлгани ҳолда мурожаат қилиб, белгиланган миқдордаги тўловлар (базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,5 баробаридан 4,5 баробаригача)ни амалга оширганидан сўнг унга ўзи шуғулланадиган фаолият тури бўйича 1 ойлик, 3 ойлик, 9 ёки 12 ойлик муддат асосида меҳнат гувоҳномаси расмийлаштирилади ва фуқарога топширилади. Шу кундан бошлаб, унинг иш стажи юритилади, — деди Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тадбиркорликни ривожлантириш ва ўзини ўзи банд қилишни рағбатлантириш бўлими бошлиги Фаррух Ҳамроев. — Яна бир муҳим жиҳати, меҳнат гувоҳномасини олган киши меҳнатига ҳақ тўлаш ягона ижтимоий тўловни ҳисоблаб чиқиш объекти ҳисобланмайди. Масалан, машина ювиш шохобчасида ишлайдиган ишчи тадбиркор билан шартнома асосида фаолият юритади. Бунда ўзини ўзи банд қилган фуқаро ҳам, уни ишга олган тадбиркор ҳам ягона ижтимоий тўлов тўламайди.



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

ГУВОҲНОМА БЕРИЛАДИГАН ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Айни пайтда меҳнат гувоҳномалари 24 та фаолият тури бўйича расмийлаштирилади. Мутахассисларнинг маълум қилишича, шу кунга қадар республикамиз бўйлаб жами 59 минг 340 нафар юртдошимиз ана шундай гувоҳномаларга эга бўлди. Эндиликда меҳнат гувоҳномасини оладиган фуқаролар сони янада ортади.

— Давлат дастури асосида меҳнат гувоҳномалари бериладиган фаолият турлари рўйхатини кўриб чиқиш ва кенгайтириш бўйича айни пайтда аниқ таклифлар ишлаб чиқиляпти, — деди Фаррух Ҳамроев. — Хориж тажрибасини таҳлил қилиш жараёнида кўплаб фаолият турлари кўриб чиқилди. Айниқса, freelancing (масофадан туриб ишлаш) бўйича 100 дан ортиқ фаолият тури борлиги қайд этилди. Шунингдек, рўйхатга тикувчилик, косиблик, калитсоз, пичоқ чархловчи, репетитор каби фаолият турларини ҳам киритиш режалаштирилган.

Меҳнат гувоҳномаси иш стажини ҳисобга олиб, кейинчалик пенсия олишни кафолатлаш билан бирга, фуқарога аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан микрокредитлар олиш ва унинг асосида қўшимча тадбиркорликни йўлга қўйиш имкониятини яратади.

Шу ўринда фаолият тури ўзгарганда, гувоҳнома ҳам ўзгартириладими, деган савол туғилиши табиий. Мутахассислар бу борада вақтинчалик гувоҳнома муддати тугаб, фуқаро фаолият турини ўзгартирган тақдирда, истаса ўзининг амалдаги фаолият тури бўйича қайта гувоҳнома расмийлаштириши ёки фаолият турини ўзгартириб, гувоҳнома олиши мумкинлигини таъкидлади. Меҳнат гувоҳномаси сони ҳам чекланмаган. Асосийси, гувоҳнома эгаси уларни ўзида сақлаб, пенсия ёшига етганида меҳнат стажини тасдиқловчи ҳужжат сифатида тақдим этса, кифоя.

Қарор ва ижро

ГИДРОСТАНЦИЯ ЯНГИ ҚУВВАТ БИЛАН ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ



Бошланиши 1-бетда

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда 15 та янги электр станцияси қурилган, уларнинг аксарияти жуда қисқа муддатларда халқ ҳашари йўли билан бунёд этилган. Улар уруш йиллари ва шундан кейинги даврда бутун республика электр энергияси эҳтиёжининг 60 фоиздан ортиғини таъминлаб берган.

Қуйи Бўзсув каскадини ташкил этган иншоотлар, жумладан, 14-ГЭС узоқ йиллар давомида аҳоли ва саноат корхоналарини "яшил" энергия билан таъминлашга ҳисса қўшиб келди. Унинг умумий қуввати 13,2 МВт.га тенг бўлган 2 та гидроагрегати кейинги пайтга келиб жисмонан ва маънан эскирди, белгиланган қувватларда ишлай олмай қолди.

2018 йилда "Ўзбекгидроэнерго" АЖ билан тузилган шартномага асосан, бу ерда Хитойнинг "Power Construction Corporation of Cina Ltd" корхонаси томонидан модернизация ишлари олиб борилди.

Куни кеча 14-ГЭСга ҳар бирининг қуввати 7,5 МВт. бўлган иккита замонавий агрегат ўрнатилди ва умумий қуввати 15 МВт.га етказилди. Улар каналда сув кам бўлган тақдирда ҳам зарур қувватда ишлай олади. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш субъектлари ва аҳолини узлуксиз энергия билан таъминлашда муҳимдир.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга бориб, юртимизда электр энергияси истеъмоли ҳозиргига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши кутилмоқда. Шу боис, инвесторларни жалб қилган ҳолда 8 минг мегаватт қувватга эга қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш, ГЭСлар қувватини 1 минг 935 мегаваттга ошириш вазифаси қўйилган.

Жорий йилда иссиқлик электр станцияларида 1177 мегаватт, гидроэлектр станцияларида 120 мегаватт қувватлар ишга туширилиши режалаштирилган. Сурхондарё вилоятидаги Тўпаланг дарёсида Зарчоб кичик ГЭСлар каскади, Наманган вилоятининг Поп туманида Қамчиқ ва Камолот кичик ГЭСлари фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда. Бунинг натижасида умумий ҳисобда 164 мегаватт экологик тоза электр энергияси ҳосил қилинади. Айни кезда Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида Пском, Муллалақ, Қуйи Чотқол йирик электр қувватларини қуриш ишлари ҳам давом этяпти.

Соҳада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш гидроэнергетикани янада ривожлантириш учун асосий омиллардан бири. Бу борада "Ўзбекгидроэнерго" АЖ Хитой, Россия, Франция каби давлатларнинг компаниялари билан бир қатор лойиҳаларни амалга оширяпти. Яқинда Осиё тараққиёт банки қуввати 25 мегаваттли ГЭС қуриш учун 60 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредит ажратилишини маъқуллади. Шунингдек, мазкур халқаро молиявий идора "Ўзбекгидроэнерго"нинг институционал салоҳиятини ва корпоратив бошқарувини яхшилашга ҳам кўмаклашади. Лойиҳанинг умумий қиймати 75,3 миллион долларни ташкил этади ва 2023 йил охирига қадар тугалланади.

Умуман олганда, "Ўзбекгидроэнерго" АЖ 2025 йилгача қуввати 30 МВт.дан ортиқ бўлган 4 та катта ва 16 та кичик янги ГЭС қуриш, ишлаб турган 21 та иншоотни модернизация қилиш режалаштирилган. Дастурга кўра, амалга ошириладиган барча лойиҳаларнинг умумий қиймати 2,6 миллиард доллардан ошади.

174 тақдир ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТ ВА МАЪНАВИЙ МАСЪУЛИЯТ ИСТАЙДИ

Гулчирой ИСОҚОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

МУРУВВАТ ҚУВВАТ

Гулистон шаҳридаги "Болалар шаҳарчаси"да 174 нафар тарбияланувчи истиқомат қилади. Уларнинг 52 фоизи чин етим бўлса, 48 фоизи ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг фарзандлари. Болалар учун барча шароитлар етарли, аммо...



— Ота-она ҳаётдан кўз юмган бўлса, боланинг етимлик тақдирига тан бериши нисбатан осон кечади, — дейди Гулистон шаҳридаги "Болалар шаҳарчаси" директори Покиза Аҳмаджонова. — Ота-онаси тирик бўла туриб, болалар уйида тарбияланаётганлар онгига таъсир ўтказиш қийин. Сабаби, улар ота-онам мени қачондир олиб кетади, деган хаёл билан юради. Шу ўй кейинчалик аламзадалик кайфиятига айланиши ҳеч гап эмас. Бундай кайфият билан улғайган боланинг жамиятга мослашиши қийин.

Айни пайтда уларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш долзарб вазифа. Президентимизнинг 2019 йил 11 февралдаги "Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилаётган ота-оналарни тайёрлаш курслари, албатта, кўнгли ярим ўғил-қизларни жамиятга мослаштиришда яхши самара беради.

ТУТИНГАН ОТА-ОНАЛАР ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги "Етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштиришнинг муқобил шаклларини танлаш, оила институтини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий етимликнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ўтган йилнинг 1 ноябридан бошлаб ҳар бир вилоятдаги мавжуд Меҳрибонлик уйлари ва "Болалар шаҳарчалари"да тутинган ота-оналарни тайёрлаш курслари йўлга қўйилди.

— Ушбу курс тутинган ота-оналарнинг болани оилага қабул қилишга тайёрлик даражасини аниқлаш, болани оилага қабул қилиш шаклини танлашга ёрдам бериш, уларнинг болалар психологияси ва педагогикаси соҳасидаги билим ҳамда амалий кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилиши лозим, — дейди Халқ таълими вазирлиги бош мутахассиси Ўлмасбек Камолов. — Ўқув курсида таълим олиш истагидаги ота-оналар Меҳрибонлик уйи ва "Болалар шаҳарчаси" директори номига ариза билан мурожаат қилади. Ариза уч иш кунида кўриб чиқилади ва тегишли буйруқ билан расмийлаштирилади. Курс тингловчилари 72 соатлик ўқув дастури бўйича ишдан ажралмаган ҳолда текин ўқитилади. Машғулотлар вақти тингловчилар ва муассаса раҳбарияти билан келишилган ҳолда белгиланади.

Ўқув жараёни 5-22 кишигача бўлган академик гуруҳларда маъруза, семинар, амалий ва кўчма машғулот, тажриба алмашиш тарзида олиб борилади. Дарс ўтиш учун тегишли тармоқ вазирликлари, идоралар ва ташкилотларнинг ижтимоий соҳа бўйича етук мутахассислари жалб этилади. Шунингдек, тиббий жиҳатдан комплекс қўллаб-қувватлашни таъминловчи мутахассислар ҳамда давлат тарбия муассасаларининг ижтимоий-психологик-педагогик кўмаклашув хизмати ходимлари бириктирилади.

Тингловчиларнинг давомати ва ўзлаштиришини қайд этадиган гуруҳ журнали юритилади. Узрли сабаблар билан ўқишни давом эттира олмайдиган ота-оналар ўз аризасига асосан, узрсиз сабаблар туфайли 30 соатдан кўпроқ машғулотларда қатнашмаганлар эса муассаса директори буйруғи билан тингловчилар сафидан чиқарилади.

Курсларда тингловчиларнинг билими суҳбат асосида баҳоланади. Мазкур жараён 3-5 кишидан иборат комиссия аъзолари иштирокида ўтказилади. Баҳолашда узрли сабаб билан қатнашмаган ота-оналар навбатдаги гуруҳ тингловчилари билан биргаликда баҳоловдан ўтади. Курсларни тамомлаганларга сертификат берилади. Агар фуқаролар 3 йил давомида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялаш учун оилага қабул қилмаса, сертификат ўз кучини йўқотади. Ҳужжатнинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг курсдан қайта ўтиш лозим бўлади.

КАТТА ҲАЁТ ОСТОНАСИДА...

Гулистон шаҳридаги "Болалар шаҳарчаси"да тарбияланаётган болаларнинг 44 нафари 2020 йилда доимий уй-жойга эга бўлади. Бу улар учун жуда катта қўлловдир. Улар орасидан 7 нафари олий ўқув юртига кирди. Танловларда қатнашиб, юқори натижаларга эришди. Меҳрибонлик уйидан чиққан болаларнинг 12 фоизи ота-оналар қарамоғига қайтяпти. Ҳозир имкон қадар болалар оилаларга жойлаштириляпти.

Бу борада амалга оширилаётган барча ишлар замирида тарбия муассасалари ва уларда тарбияланаётган етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сонини камайтириш мақсади турибди.

Тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, пиёда юришнинг фойдасини тарғиб этиш, оммавий спортни ривожлантириш ишларини "умуммиллий ҳаракат"га айлантириш зарурлиги таъкидланди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2020 йил 25 март, 44-сон

САЛОМАТЛИК

СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ,

жисмоний камҳаракатлилик ва зарарли одатлардан йироқ бўлинг





Соғлом халқ — юртнинг асл бойлиги. Шу боис, мамлакатимизда аҳоли саломатлигига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2018 йил 18 декабрдаги "Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юртимизда соғлом турмуш тарзини умуммиллий ҳаракатга айлантириш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юртдошларимизга сифатли тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш, оила саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида аҳоли саломатлигини яхшилаш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилгани кундалик турмуш тарзимизда овқатланиш, кўпроқ жисмоний фаолликка эътибор қаратишимиз зарурлигидан далолат.

Президентимиз раислигида 18 март куни маҳалла ва оила муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда ҳал этиш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, пиёда юришнинг фойдасини тарғиб этиш, оммавий спортни ривожлантириш ишларини "умуммиллий ҳаракат"га айлантириш зарурлиги таъкидланди.

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази директори Барно Одилова билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

— Юртдошларимизни соғлом турмуш тарзига ўргатишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Аҳолида соғлом турмуш тарзи кўникмасини шакллантириш, тиббий маданият ва малакани ошириш борасидаги энг устувор вазифалар нималардан иборат?

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таҳлилига кўра, инсон саломатлигига таъсир этувчи омиллар орасида тиббий таъминот 10, ирсий омиллар 15, атроф-муҳит ҳолати 20 фоизни ташкил этади. Энг муҳими, инсон турмуш тарзининг (жисмоний ҳолат, овқатланиш тарзи, зарарли одатлар) унинг саломатлигига таъсир этиш улуши 55 фоизгача. Демак, узоқ ва саломат яшашнинг асосий шарти тиббий маданиятни ошириш ҳамда соғлом турмуш тарзига риоя этишдир. Тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзи, энг аввало, шахсий гигиена қоидаларини мукаммал ўзлаштириш, атроф-муҳит тозалигининг аҳамиятини англаш ва саломатликни сақлашга қаратилган ҳаракатлар, демакдир.

Кун тартибига риоя қилиш, фаол ҳаракат асосида организмни чиниқтириш, спорт билан шуғулланиш, тўлақонли ва сифатли овқатланиш, овқатланишнинг гигиеник қоидаларига риоя қилиш, мулоқот ва экология маданиятига эришиш, зарарли одатлардан ўзини тия билиш инсон саломатлигида муҳим омиллар саналади.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, касалликларнинг олдини олиш, гиподинамия — камҳаракатлиликка қарши оммавий курашиш, аҳоли кенг қатламларини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Аммо бутун дунё бўйича ногиронлик ва барвақт ўлимнинг етакчи сабаби бўлган юрак қон-томир тизими касалликлари, инсульт, хавфли ўсмалар, нафас олиш аъзоларининг сурункали хасталиклари ва қандли диабет каби юқумсиз касалликларнинг юртимизда ҳам тобора кўп учраётгани кишини ўйлантирмай қўймайди. Бундай касалликлар, асосан, юқори қон босими, тамаки ва алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилиш, қондаги холестеринларнинг юқори даражаси, ортиқча вазн, мева-сабзавотларни етарлича истеъмол қилмаслик ва камҳаракатлилик каби хавфли омиллар туфайли юзага келади.

Хаста бўлмаслик учун ҳар бир киши соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг жуда оддий усулини билиб олиши лозим. Энг аввало, зарарли одатлардан тийилиш, унинг оқибатини тасаввур қилиш ва танқидий баҳолаб бориш керак.

— Соғлом турмуш тарзининг асосий тамойиллари хусусида тўхталсангиз.

— Жисмоний фаоллик соғлом турмуш тарзи ва тананинг тўғри ишлашини таъминлашда зарур омилдир. Фақат у зўриқишларсиз ва мунтазам бўлиши керак. Жисмоний фаолликнинг пасайиши ички органлар фаолиятида турли патологик ўзгаришларга, бўғимлар ҳаракатланишининг сусайиши эса мушаклар ва скелет тизими касалликлари ривожланишига олиб келади. Жисмоний сустлик, гиподинамия жамиятнинг ўткир муаммосидир. Транспорт, хизмат кўрсатиш соҳаси, меҳнатни автоматлаштириш, кам ҳаракат саломатликдаги муаммоларни келтириб чиқаришда катта улушга эга.

Овқатланишда меъёрга амал қилиш, хилма-хилликни таъминлаш соғлом турмуш тарзи кафолатидир. Ҳаёт ва меҳнат тарзимизнинг фаоллиги, саломатлигимиз кўп жиҳатдан қандай овқатланаётганимизга боғлиқ. У инсон иш қобилиятига, ҳаёт сифати ва давомийлигига сезиларли таъсир кўрсатади. Тиббиёт илми султони Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари" асарида тўғри овқатланиш ва унинг аҳамияти тўғрисида тўхталиб, "Кимки соғлом турмуш тарзига эришмоқчи бўлса, ўз соғлиғини сақламоқчи ва мустаҳкамламоқчи бўлса, овқатланиш тартибига, истеъмол қилинаётган овқатнинг сифати, миқдори, овқатни истеъмол қилиш вақти ва унинг ҳазм бўлиш жараёнига асосий эътиборини қаратмоғи лозим", деб таъкидлаган.

Қуёшли заминимизда етиштириладиган мева-сабзавотларни бутун дунё севиб истеъмол қилса-да, ўзбекистонликларнинг 67 фоизи кунига 400 грамм мева-сабзавот истеъмол қилиш мустаҳкам саломатлик гарови эканидан бехабар. Натижада турли хасталиклар инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб, эрта ўлим ҳолатларига сабаб бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини текшириш мақсадида 2017 йилда ўтказилган лаборатория таҳлиллари янада ҳушёр бўлишга ундайди. Санитария-гигиена лабораторияларида озиқ-овқат маҳсулотларининг 265 минг 332 та намунаси текширилганда, уларнинг 9 минг 302 таси санитария-гигиена меъёри талабларига жавоб бермаслиги аниқланган. Жумладан, техник пальма мойи ҳаётий муҳим органларни ишдан чиқариши билан бирга, онкологик касалликларга сабаб бўлади. Афсуски, бу модда озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида кўп учрайди. Мазкур маҳсулотларнинг хавфсизлигини, организмга ижобий ёки салбий таъсирини ўрганиш ҳар бир фуқаронинг вазифаси бўлиши лозим.

Тана вазни меъёрида бўлишига эришиш керак. Ортиқча ва режимсиз, палапартиш овқатланишга чек қўйиш, керакли миқдордаги оқсил, ёғ, углевод, минерал модда ва витаминларга бой таомларни истеъмол қилиш саломатликнинг энг муҳим омилларидан саналади.

— Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олган яхшироқ. Бу борада шифокорлар ва аҳолига юкланадиган вазифа, масъулият нимадан иборат?

— Президентимиз шу йил 11 март куни мамлакатимизда жамоат саломатлигини таъминлаш тизими самарадорлигини ошириш муҳокамасига бағишлаб ўтказилган йиғилишда таъкидлаганидек, аҳоли саломатлиги профилактикаси, аввало, қишлоқлардан бошланиши ва бунга жавоб берадиган яхлит тизим бўлиши керак. Масалан, сувнинг ифлосланиши буйрак, ошқозон-ичак хасталикларига, атмосферадаги радиация, озиқ-овқат маҳсулотларида кимёвий воситаларнинг кўплиги онкологик, нотўғри турмуш тарзи қон-томирлари, юрак, эндокрин, асаб касалликларига сабаб бўлаётгани қайд этилди.

Шу боис, ҳар бир хонадон, таълим муассасалари ва ташкилотларга бориб, аҳоли ўртасида тўғри овқатланиш, дам олиш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш ишларини ташкиллаштириш, уларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш зиммамиздаги масъулиятдир.

Ўзаро муомала ва муносабатда иззат-ҳурмат, ахлоқ-одоб меъёрларига, жамият қонунларига риоя қилиш ҳам соғломлик кафолати эканини тушуниш лозим. Руҳий саломатликни асраш керак. Оилавий жуфт танлашда асосий талаб тиббий-биологик ва ижтимоий-психологик саломатликка қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу билан бирга, кун тартибини тўғри режалаштириш, ҳар куни эрта уйқуга ётиб, эрта туришни одатга айлантириш ҳам саломатликка кони фойда. Ўқиш ва ишда танаффусларга риоя қилиш, очиқ ҳаводаги сайр, шахсий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилишнинг аҳамияти беқиёслигини ҳар бир юртдошимиз англаб етиши зарур.

Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.

МАЪНАВИЯТ



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

Шуҳрат ҲОТАМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти доценти

Ҳаёт ҳақиқати шундан далолат беради, дунёдаги барча билим ва тажрибалар, сўз, тушунча, тасаввур ҳамда хулосалар бевосита ё билвосита инсон фаолияти билан боғлиқ ҳолда вужудга келади, ривожланади, бойиб, такомиллашиб боради ёхуд аксинча, эскириб, умрини ўтаб, заволга юз тутади.

Илм ва маърифат жамият тараққиётининг асосидир

Айни пайтда жаҳонда шундай бир буюк ҳодиса борки, у токи одамзоднинг онгли ҳаёти мавжуд экан, ҳеч қачон завол билмайди. Шунинг учун ҳам уни ўта ноёб-феноменал ҳодиса деб айтамиз. Бу соғлом фикрлайдиган, эзгу орзу-умидлар билан яшайдиган инсон ва жамият томонидан ҳамма замонларда ҳам қадрланиб келинган илм-маърифатдир.

Таъкидлаш жоизки, маърифат маънавий қарамликни бартараф қилади, инсонга куч-қудрат ато этади. У кишиларни жаҳолатдан қутқаради, яхши хулқ ва одоб эгаси бўлишга ёрдам беради. Барча замонларда бўлгани каби маърифатли кишилардан ташкил топган жамият равнақ топади, келажаги порлоқ бўлади. Илм ва маърифатни ҳаётга сингдириш таълим-тарбия, маориф тизими орқали амалга оширилади.

Ижтимоий муносабатлардаги ҳар қандай ўзгариш маърифатга таъсир этади ва унда бу муносабатлар қандай натижаларга олиб келиши ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шу боис, маърифат нафақат ўтмиш ёки бугунги кун, балки келажакка нисбатан муносабатнинг ифодаси ҳамдир. Маърифий муҳит қандай бўлса, инсон ҳам шундай шаклланади. Маърифатнинг ижодкори, энг аввало, халқ. Халқ маърифатида эса аждодлар яратган моддий ва маънавий бойликлар жамланган. Уларни ўзлаштирмай, билмай туриб, маърифатли бўлиш мумкин эмас.

Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк аждодларимиз бу борадаги ўлмас асарлари билан умуминсоний маданият ривожига улкан ҳисса қўшган. Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Навоий ва Бобур маърифатли илм, амал, одоб билан ўзаро боғлиқ хислатлар, деб ҳисоблаган. Уларнинг фикрича, кишининг одоби унинг маърифати, билимдонлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, инсон қанчалик маърифатли бўлса, унинг хулқи шунчалик яхши ва мукаммал бўлади.

Ўзбекистонда миллат озодлиги ва юрт фаровонлиги йўлида мардона курашган, бу йўлда кўп қурбонлар берган жадидлар ҳаракати маърифатпарварликнинг ёрқин ифодасидир. Жадидларнинг барча ишлари — матбуотнинг йўлга қўйилиши, "усули жадид" мактаби назарияси ва амалиёти, театрчилик — ҳамма-ҳаммаси маърифатга хизмат қилган. Шунингдек, маърифатпарварлик инсониятнинг бир жамиятдан иккинчи жамиятга, бир тарихий даврдан бошқа тарихий даврга ўтишида муҳим аҳамият касб этади. Маърифатпарварлар, одатда, давр учун, жамиятнинг бугуни ва келажаги учун муҳим бўлган ғояларни кўтариб чиқади ва шу ғояни амалга ошириш учун изчил кураш олиб боради.

Ҳар бир даврнинг ўз маърифатпарварлари бўлади. Масалан, Аҳмад Дониш 1869 йилда, яъни юрт мустамлакага айлантирилган даврда "Биз, ўзбеклар қачонгача ғафлат уйқусида ётамиз, қачон қолоқликдан қутуламиз?!", дея бутун элга жар солгани ҳам бежиз эмас. Айни пайтда бу қолоқликдан қутулиш йўлини у маърифатда кўради, халқни маърифатли бўлишга чорлайди. Кейинроқ бошқа маърифатпарварлар ҳам шу ғояни ўз асарларида илгари сурган. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошида вужудга келган жадидчилик ҳаракати вакиллари бу борада ибратли ишларни амалга оширган. Маърифатчилар халқни миллий уйғонишга даъват этиб, "Нажот илму урфонда" деб билганлар, халқни маънавият йўлига бошлашга ҳаракат қилганлар.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида Президентимиз таклифи билан жорий йилга Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб ном берилди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган, кечиктириб бўлмайдиган масалаларга алоҳида тўхталди.

Шунингдек, 2020 йилда халқимиз тарихининг мураккаб дамларида маърифат машъаласини баланд кўтариб чиққан улуғ аллома ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланиши белгиланди. Жадидчилик ҳаракати, маърифатпарвар боболаримиз меросини чуқур ўрганиш биз учун жуда муҳим. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек: "Бу маънавий хазинани қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо бойликни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади".

Бу бежиз эмас. Чунки Беҳбудий каби буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг илмий, маънавий ва маърифий меросини чуқур ўрганиш ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялашда, уларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида улғайтиришда муҳим омил бўлади.

Ҳар қандай давлатнинг эртанги куни бевосита ёшларга боғлиқ экан, уларнинг маърифий билимларни эгаллашлари учун мана шундай маърифатпарвар боболаримизнинг ибратли ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилишимиз биз, ўқитувчи ва зиёлилар олдида турган муҳим вазифалардандир. Бундай шарафли ва масъулиятли ишга барчамиз бирдек масъулмиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

"Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1082.
43186 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй.
ЎзА якуни — 22:25 Топширилди — 01:00 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Навбатчи: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳиҳ: Мафтуна Мингбоева

Босмахона телефони: (71) 230-27-76

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15